

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГЕЛЛЕР СВЕТЛАНА ИГОРЕВНА**

**БОЛАЛАРДА МАЛЬАБСОРБЦИЯ СИНДРОМИДА МИКРОБЛАРГА  
ҚАРШИ ПЕПТИДЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК  
АҲАМИЯТИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Геллер Светлана Игоревна</b> Болаларда мальабсорбция синдромида микробларга қарши пептидларнинг клиник-прогностик аҳамияти .....	3
<b>Геллер Светлана Игоревна</b> Клинико-прогностическое значение антимикробных пептидов при синдроме мальабсорбции у детей.....	23
<b>Geller Svetlana Igorevna</b> Clinical and predictive significance of antimicrobial peptides in children with malabsorption syndrome.....	53
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГЕЛЛЕР СВЕТЛАНА ИГОРЕВНА**

**БОЛАЛАРДА МАЛЬАБСОРБЦИЯ СИНДРОМИДА МИКРОБЛАРГА  
ҚАРШИ ПЕПТИДЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК  
АҲАМИЯТИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib753 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Камилова Алтиной Турсунбаевна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Агзамова Шоира Абдусаломовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович  
биологик фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги ДSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» сентябр куни соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (552 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» сентябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «28» сентябр даги 130 рақамли реестр баённомаси.)



А.В.Алимов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
шоҳидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда дунёда миллионлаб одамларни қамраб олаётган мальабсорбция синдроми педиатрия соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...етмишдан ортиқ нозологиялар асосида турли озиқ-овқат таркибий қисмларининг парчаланиши ёки сўрилишидаги туғма ёки орттирилган нуқсон ётади»<sup>1</sup>. Мальабсорбция синдроми билан боғлиқ энг кўп учрайдиган ирсий касалликлар целиакия ва муковисцидоздир. Гастроэнтерологлар дунё ҳамжамияти томонидан қайд этилишича, «...аҳолининг 0,5 дан 1% гача бўлган қисми целиакиядан азият чекади, дунё бўйича 70000 га яқин одамда эса муковисцидоз ташхисланган»<sup>2</sup>. Сўнги аср тенденцияси – болалар орасидаги аллергия касалликлар бўлиб, бу ҳар учинчи ҳолатда фақат гастроинтестинал симптомлар билан намоён бўлади. Шу муносабат билан тўпланган тажрибаларга қарамасдан мальабсорбция синдроми билан бирга кечувчи касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва унинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш тақозо этилмоқда.

Жаҳонда эндоген антимиқроб пептидлар (АМП)нинг клиник хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. АМП секрецияси ичак девори ҳужайралари орқали туғма иммун механизмларни фаоллаштиришга йўналтирилган, бироқ мальабсорбция билан намоён бўлувчи қатор ичак касалликлари кечишида уларнинг аҳамияти аниқланмаган, бу ушбу йўналишдаги илмий изланишларнинг долзарблигини таъминлайди. Буларнинг барчаси касалликни эрта ташхислаш усуллари, даволашнинг ишончли, патогенетик асосланган янги йўналишлари ҳамда даволаш чоралари самарадорлигини назорат қилишнинг ахборотга бой мезонларини ишлаб чиқиш истиқболларини очади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш, шу жумладан, уларни кафолатланган бепул дори воситалари, тиббий буюмлар ва махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли, хусусан, болалар орасида турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини

<sup>1</sup>WHO. Children's environmental health, 2018.

<sup>2</sup> World Gastroenterology Organisation Global Guidelines, 2016

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон «Кам учрайдиган (ноёб) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4440-сон «Кам учрайдиган (ноёб) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий адабиётларда мальабсорбция синдроми ва аллергияк энтероколит билан кечадиган ирсий касалликлар этиопатогенези, диагностикаси ва даволаш масалалари кенг ёритилган [Fasano A. va boshqalar 2003; Hodson M., Geddes D., Bush A., 2007]. Бироқ бугунги кунга қадар антимикроб пептидларнинг ичак тўсиғи функцияси, ҳазм қилиш жараёни ва ичакларда сўрилишга таъсири борасида санокли кўрсатмалар мавжуд. Шунингдек, фекал кальпротектин концентрациясининг ошишидан болаларда целиакияни ташхислашда ёрдам берувчи, ноинвазив маркер сифатида фойдаланиш мумкинлиги таъкидланган [Balantekin N., 2012]. Муковисцидозли болаларда β-дефензин 2 нинг ортиши бўйича олиб борилган тадқиқотлардан олинган натижалар тавсифланган [Шуматова Т.А., 2015; Chee Y., 2015]. Хорижий муаллифлар фикрига кўра нутрицевтик глутамин ва ичак эпителийси ҳужайраларининг зич бирикмалари ҳужайралараро бириктирувчи комплекслар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, парацеллюляр ўтказувчанликни тартибга солади ва эпителиал тўсиқ бутунлигини сақлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди [Eylem Sevinc, 2015]. Бундан ташқари глутамин билан бойитилган озика секреторли IgA маҳсулоти ишлаб чиқарилишининг меъёрлашишига олиб келади [Евсеев М.А., 2016]. Мавжуд маълумотларга кўра ичакларда яллиғланишни камайтириш ҳамда турли шароитларда шиллиқ қаватлар ва тўқималар шикастланиши билан боғлиқ ҳолда уларнинг бутунлигини тиклашга

рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган оғиз сути ошқозон-ичак тракти (ОИТ)га тўғридан-тўғри антимикроб ва эндотоксин-нейтраллаштирувчи таъсир кўрсатади [Lund P., 2012].

Мамлакатимизда целиакия, муковисцидоз, аллергияк энтероколит билан касалланган болаларнинг диагностика ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган [Камилова А.Т. ва ҳаммуалл., 2021]. Жумладан, целиакия билан оғриган ўзбек популяциясидаги беморларнинг иммуногенетик мақом ўрганилган [Абдужаббарова З.М., 2016], целиакияли беморларда энергетик метаболизм мақоми баҳоланган [Дустмухамедова Д.Х., 2021], муковисцидозли беморларни олиб бориш бўйича миллий баённома яратилган [Шамсиев Ф.М., Камилова А.Т., Иноятова Ф.И. ва ҳаммуаллиф., 2020], аллергияк энтероколит билан оғриган болаларда озикланишни коррекциялаш алгоритми ишлаб чиқилган [Камилова А.Т., 2015, Ахмедова И.М., 2016, Султанходжаева Ш.С., 2021].

Ҳозирги кунда мальабсорбция билан намоён бўлувчи қатор ичак касалликлари кечишида антимикроб пептидларнинг аҳамияти, ичакларнинг функционал фаоллигини тартибга солишда бактерицид пептидларнинг роли, шунингдек, ичакларда сўрилиш бузилишининг учраши юқорилиги ва уни даволашнинг самарали усуллари топилмаганлиги ушбу йўналишдаги илмий изланишларнинг долзарблигини таъминлайди. Бу касалликни эрта ташхислаш усуллари, даволашнинг ишончли, патогенетик асосланган янги йўналишлари ҳамда даволаш чоралари самарадорлигини назорат қилишнинг ахборотга бой мезонларини ишлаб чиқиш истиқболларини очади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ–20170925127 рақамли «Ичак тўсиғининг ўтказувчанлиги ҳолатини баҳолаш асосида болаларда мальабсорбция синдромини даволашнинг дифференциаллашган усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мальабсорбция синдроми бўлган болаларда антимикроб пептидларнинг клиник ва прогностик ролини аниқлаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда турли генезли мальабсорбция синдромининг клиник ва лаборатор хусусиятларини баҳолаш;

мальабсорбция синдроми бўлган болаларда касалликнинг кечиш вариантларига боғлиқ ҳолда копрофильтратлардаги фекал калпротектин, β-дефензин 2 ҳамда қон зардоби ҳужайралари ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оқсилга антитаначалар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини баҳолаш;

болаларда мальабсорбция синдромида яллиғланиш олди цитокинлари даражасини аниқлаш;

антимикроб пептидларнинг қийматлари ҳамда мальабсорбция синдроми

бўлган болаларда овқат ҳазм қилиш жараёнини ифодаловчи клиник ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни баҳолаш;  
болаларда мальабсорбция синдромида антимикроб пептидларнинг прогностик ролини баҳолаш;

мальабсорбция синдромини даволашнинг дифференциал усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида мальабсорбция синдроми ташхиси билан даволанган 176 нафар бола ҳамда 35 нафар амалий соғлом болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар ва соғлом болаларнинг веноз қон зардоби, нажас, сийдик материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, функционал инструментал (ультратовуш), биокимёвий (глюкозага толерантлик тести), иммунофермент (фекал калпротектин,  $\beta$ -дефензин-2, фекал эластаза-1), иммунологик (ЎНО- $\alpha$ , Ил-1 $\beta$ , ҳужайраларининг ўтказувчанлигини оширадиган бактерицид оқсилга антитаначалар), ичак деворининг ўтказувчанлигини аниқлаш учун ноинвазив усул (Петров В.И. усули бўйича, 2006), статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли генезли мальабсорбция синдроми бўлган болаларда диарея синдроми ривожланишининг патологик жараён локализацияси ҳамда ингичка ичак мембранали ҳазм қилиш функциясига боғлиқ ҳолда ушбу синдромни даволашга турлича ёндашувларни талаб этувчи етакчи механизмлари исботланган;

муковисцидозли болаларда, айниқса, яллиғланиш олди цитокинлари юқори кўрсаткичлари билан бирикканда қон зардоби ҳужайралари ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оқсилга антитаналарда антимикроб пептидлар фаоллигининг юқори даражаси исботланган;

илк бор целиакия билан оғриган болаларда ичак шиллик қавати яллиғланиш маркери ҳисобланувчи, қон зардоби ҳужайралари ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оқсилга антитаналарнинг юқори кўрсаткичи билан бирга фекал  $\beta$ -дефензин 2 нинг ҳам сезиларли ўсиши исботланган;

тадқиқ этилган антимикроб пептидларнинг прогностик аҳамияти белгиланган, клиник амалиётда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун улардан фойдаланиш имкониятлари асосланган;

касалликнинг оғирлиги ҳамда ингичка ичак ўтказувчанлигининг бузилиш даражасига боғлиқ ҳолда мальабсорбция синдроми бўлган болаларда L-глутамин нутрицевтлари ва оғиз сути билан даволашда озикавий қўшимчаларга индивидуал ёндашувнинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда муковисцидоз, целиакия, аллергияк энтероколитнинг клиник хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар асосида мальабсорбция синдроми билан бирга кечувчи касалликларни эрта ташхислаш усулларининг



самарадорлиги асосланган;

целиакия, муковисцидоз, аллергияк энтероколит билан оғриган болаларда антимиқроб пептидларни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида болаларда мальабсорбция синдромида туғма иммунитетнинг роли борасидаги қарашлар кенгайтирилганлиги асосланган;

ичак тўсиғи ҳолати ва антимиқроб пептидлар қиймати орасида аниқланган ўзаро боғлиқлик даволаш тактикасининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда касалликнинг ёмон томонга ривожланишининг олдини олиш имконини бериши асосланган;

мальабсорбция синдроми билан кечадиган касалликларни мажмуавий даволашда L-глутамин ва оғиз сутидан фойдаланишнинг истиқболлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти целиакия, муковисцидоз ва аллергияк энтероколит билан оғриган беморларда ичакнинг тўсиқ функцияси ҳолати ҳар томонлама баҳоланганлиги, касалликнинг кечиши ва прогнозида антимиқроб пептидларнинг роли белгиланганлиги, яллиғланиш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичлар ва клиник кўринишлар ўртасидаги боғлиқликлар аниқланганлиги, мальабсорбция синдроми ривожланиш механизмлари ўрганилганлиги ҳамда даволаш усулларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болаларда целиакия касаллиги, муковисцидоз ва аллергияк энтероколит кечишининг клиник хусусиятлари тўғрисида олинган маълумотлар педиатрлар томонидан ҳам амбулатория шароитида, ҳам касалхонада қўлланилиши мумкин. Целиакия, муковисцидоз ва аллергияк энтероколит билан оғриган болаларда антимиқроб пептидлар таркибини ўрганишдан олинган натижалар болаларда мальабсорбция синдроми ривожланишида туғма иммунитетнинг роли ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш имконини беради; ичак тўсиғи ва микробларга қарши пептидларнинг қийматлари даволаш тактикасининг устувор йўналишларини белгилаш ва касалликнинг нохуш кечиши олдини олишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда мальабсорбция синдромида антимиқроб пептидларнинг клиник ва прогностик ролини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда учрайдиган мальабсорбция синдромини самарали даволаш усулларини такомиллаштириш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида «Ичак тўсиғи ўтказувчанлигини баҳолаш асосида болаларда

мальабсорбция синдромини дифференциал даволаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 8-нр/142-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда мальабсорбция синдромининг ноинвазив диагностика усулларини ўзгартириш ва мальабсорбция синдроми билан кечадиган касалликларда озиқланишнинг оғир даражада бузилиши ривожланиши башоратларини аниқлаш, асосий терапия фонида мальабсорбция синдроми бўлган касалликларни комплекс даволашда L-глутамин ва оғиз сутидан узоқ муддатли фойдаланиш клиник кечишига таъсир қилиш, ингичка ичакнинг тузилмали ва функционал бузилишларини камайтириш имконини берган;

болаларда мальабсорбция синдромини ташхислаш усулларини такомиллаштириш орқали олинган илмий натижалар асосида «Мальабсорбция синдроми бўлган болаларда ҳолатнинг оғирлик даражасини башоратлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-р/732-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда мальабсорбция синдроми ривожланишининг авж олиши ва асоратлари шаклланиш эҳтимолини диагностика чоратадбирлар ёрдамида жойларда камайтириш имконини берган;

болаларда мальабсорбция синдромида антимикроб пептидларнинг клиник ва прогностик аҳамиятини аниқлаш ва терапияни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятлар кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 январдаги №08-09/82-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши мальабсорбция синдроми бўлган болалар ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг стационарга бўлиш частотасини 2,3 барабар камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманлардан, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 та республика, 6 та хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мальабсорбция синдромининг замонавий концепцияси**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида болаларда мальабсорбция синдроми этиологияси ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу синдром ривожланишида ичак тўсиғи ўтказувчанлиги юқори бўлган соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган, антимиқроб пептидларнинг роли ва зарарланган ичак тўсиғини даволашда озикавий ёндашув усуллари борасидаги қарашлар тизимлаштирилган. Мальабсорбция синдроми даволашнинг замонавий усуллари изоҳланиб, мазкур касалликка доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, мальабсорбция синдроми билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги натижалари кўрсатилган.

Клиник кузатув остида мальабсорбция синдроми билан оғриган 2 ойликдан 10 ёшгача бўлган 176 нафар бола бўлди. Ўғил болалар – 82 нафар (46,6%), қизлар – 94 нафар (53,4%). Шундан беморларнинг 76 нафар (43,2%)ида целиакия (Ц) (ўртача ёш  $73,2 \pm 5,7$  ой), 56 нафар (31,8%)ида – муковисцидоз (МВ) (ўртача ёш  $20,9 \pm 2,4$  ой), 44 нафар (25%)ида – аллергияк энтероколит (АЭ) (ўртача ёш  $10,5 \pm 2,1$  ой) ташхисланди. Назорат гуруҳини 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 35 нафар амалий соғлом болалар ташкил этди.

Целиакия касаллиги ташхиси ESPGHAN мезонлари (2012) асосида тасдиқланди. Муковисцидозни ташхислашда касалликнинг типик клиник кўринишига қўшимча равишда иммунреактив трипсин, тер хлоридлари (Гибсон–Кук усули, 60 мэкв/л дан ортиқ), генетик тадқиқотларни аниқлаш маълумотларидан фойдаланилди. Аллергияк энтероколит синдроми ташхиси Sicher S. ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган мезонлар (2005) асосида қўйилди.

Кузатиш динамикасида ичак касалликлари билан оғриган болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш ЖССТ стандартлари (2006)га мувофиқ амалга оширилди.

Ичакдаги сўрилиш ҳолатини ўрганиш учун глюкозага толерантлик тести (ГТТ) ишлатилди. Бир соат ичида гликемиянинг 1,1 ммол/л дан кўтарилиши нормал ҳолат деб ҳисобланди.

NucultBiotech (Нидерландия) томонидан ишлаб чиқарилган нажас

намуналарида микдорий аниқлашнинг «Human Fecal Calprotectin» тўплами ёрдамида фекал калпротектин даражаси ўлчанди. Иммунофермент таҳлил (бир босқичли «сэндвич» варианты) усулидан фойдаланилди. Immundiagnosics (Германия) фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган нажас намуналарида  $\beta$ -дефензин 2 ни микдорий *in vitro* аниқлаш учун мўлжалланган Иммунофермент жамланма ёрдамида  $\beta$ -Defensin 2 аниқланди. Ичак тўсиғи ҳолатини баҳолаш учун ВЕКМАН спектрофотометрида ичак девори ўтказувчанлигини аниқлашнинг ноинвазив усули қўлланилди (Петров В.И., Новочадов В.В., Смоленов И.В., Дегтярева Н.В., 2006 услубига кўра). Тадқиқотлар РИПИАТМ лабораториясида олиб борилди (А.Н.Арипов раҳбарлигида).

Вектор Бест томонидан ишлаб чиқилган реагентлар тўплами билан қон зардобидида ўсма некрози омили (ЎНО) –  $\alpha$  аниқланди. Аниқлаш усули ЎНО –  $\alpha$  га моно- ва поликлонал антитаналардан фойдаланган ҳолда иммунофермент таҳлилининг «сэндвич» версиясига асосланди. Вектор Бест томонидан иммунофермент таҳлиллар учун ишлаб чиқилган реагентлар жамланмасида қон зардобидидаги  $\Pi - 1\beta$  даражаси аниқланди. Аниқлаш усули уч босқичли «сэндвич» вариантга –  $\Pi - 1\beta$  га моно- ва поликлонал антитаналардан фойдаланилган қаттиқ фазали иммунофермент таҳлилга асосланди. Хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар даражаси DeFactum лабораториясида OrgentecDiagnostikaGmbH компанияси томонидан ишлаб чиқилган жамланма ёрдамида қон зардобидида ИХЛТ (иммунохемилюминисцент таҳлил) ва ИФТ усулида аниқланди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ичак ўтказувчанлигини тузатувчи ва ичак тўсиғи ҳолатини яхшилайдиган озикавий L-глутамини танланди. Ингичка ичак тўсиғи бузилиши, мембранали овқат ҳазм қилишнинг камайганлиги ва сўрилишнинг бузилишини ҳисобга олган ҳолда ҳар иккала гуруҳ (муковисцидозли ва целиакияли) беморларига ҳам кўшимча равишда таркибида иммуноглобулинлар, яллиғланишга қарши цитокинлар, интерферон, лактоферрин, аминокислоталар ва пробиотиклар сақловчи табиий колострум (сигир оғиз сути) препарати киритилди. Ушбу препаратни қабул қилиш муддати ҳам L-глутамин каби 3 ой бўлди. Глутамин кунига 0,4 г/кг дозадан 2 маҳал тайинланди. Колострум ёшга мувофиқ дозаларда буюрилди: 1 ёшгача – кунига 0,25 мл дан 3 маҳал, 1 ёшдан 3 ёшгача – 0,5 мл дан 3 маҳал, 3–12 ёш – 1 мл дан 3 маҳал, 12 ёшдан катта – 2 мл дан 3 маҳал. 3 ойдан кейин қайта баҳолаш ўтказилди.

Олинган натижаларга статистик ишлов бериш Microsoft Office Excel – 2010 пакетида ўртача арифметик аҳамият (M), стандарт хатолик (m), ишонч интерваллари ( $\sigma$ ) ва Студентнинг t мезони бўйича ишончли фарқларни ҳисоблаш билан вариацион статистика усулида амалга оширилди. Натижалар  $p < 0,05$  бўлганда статистик аҳамиятли ҳисобланди.

Беморларнинг клиник ва лаборатор маълумотлари асосида мальабсорбция синдромининг турли вариантлари бўлган болаларда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш имконини берувчи математик модел ишлаб чиқилди. Баҳолаш энг кичик квадратлар усули ёрдамида олинган регрессив математик

моделлар асосида амалга оширилди. Моделларни куришда уларнинг параметрларига  $t$  мезони бўйича  $p < 0,05$  даражасида самарадорлик шарти қўйилди.

Спирман корреляция коэффициентлари асосий клиник ва лаборатор кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун ишлатилди.

Диссертациянинг «**Мальабсорбция синдроми билан кечадиган асосий болалар касалликларининг клиник-лаборатор хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида клиник кўринишларнинг хусусиятлари, ичак тўсиғи ҳолати, микробларга қарши пептидлар ва яллиғланиш олди цитокинларининг ўзига хос хусусиятлари нозологияга боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган.

Кўп миқдордаги бадбўй ҳидли, оч ёки ранг-баранг, бўшашган, кўпikli ёки лойли, ёмон ювилган ахлатнинг кунига 3 ёки ундан кўп марта келиши, қорин айланасининг катталашishi, қорин оғриғи, иштаҳанинг пасайishi, тана вазнига нисбатан орқада қолиш, ҳиссий ҳолатнинг бузилиши (тирнаш хусусияти, тажовузкор хатти-ҳаракатлар, безовта уйку) каби симптомларга кўра 65 нафар (85,5%) болада **целиакия** касаллигининг типик шакли ташхисланди.

Атипик целиакия касаллиги 11 нафар (14,5%) беморда аниқланди. Уларда асосий касалликнинг симптомлари панада қолиб, оғир иккиламчи метаболик бузилишлар ривожланган. Улар, кўпинча, рахитга ўхшаш оғир синдром, суяк деформацияси, оёқларда оғрик, бўйнинг калталиги ва камқонлик ривожланиши билан фосфор-кальций алмашинувининг бузилиши каби ичакдан ташқари кўринишлар орқали ифодаланган.

Осмотик диарея целиакия касаллиги билан оғриган беморларнинг 37 нафари (57,9%) ва аралаш типдаги 28 нафар (42,1%) беморда қайд этилди. Ҳар учинчи беморда (35,5%) ўртача оксил-энергетик етишмовчилиги (тана вазни индекси (ТВИ) – 2СЧ) аниқланди. Меърий вазн-бўй индекси (ВБИ) бўлган болалар атиги 23,7% ни ташкил этди. Бўйнинг пастлиги 63,2% болада қайд этилди.

Беморларда муковисцидознинг характерли белгиларидан бири ёпишқоқ балғамли йўтал бўлиб, у 51 нафар (91,0%) болада кузатилди. Болаларнинг ярмида (48,2%) тез нафас олиш ва кўкрак қафаси пастки қисмининг орқага тортилиши кузатилиб, бу зотилжамнинг сезгир белгиси ҳисобланади. ВБИ – 3СЧ ва –4СЧ мос ҳолда 24 нафар (42,8%) ва 5 нафар (8,9%) беморда аниқланди. 47 нафар (83,9%) болада осмотик диарея қайд этилди.

Болаларнинг 70,4% ида аллергияк энтероколит 5 мартадан кўп қусиш билан бирга кечди. Диарея шубҳали аллергиякни истеъмол қилгандан кейин ўртача 6 соат ўтгач пайдо бўлди ва нотинчлик алмашилиб келувчи заифлик билан бирга кечди, бу аллергиякнинг IgE билан боғлиқ бўлмаган табиатини тасдиқлади. Ахлат чиқариш частотаси кунига 6 дан 12 мартагача ўзгариб турди ва ўртача  $5,4 \pm 1,1$  мартани ташкил этди. Болаларнинг барча ёш гуруҳларида шишасимон шиллик ажралиши билан суюқ ахлат кузатилди. Беморларнинг ярмида (47,7%) гемокколит қайд этилди.

Мальабсорбция синдроми бўлган барча беморларда ингичка ичакда сўрилиш даражасининг кўрсаткичи бўлган глюкоза юкланганидан кейин

гликемиянинг биров ошиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

**Мальабсорбция синдроми билан кечадиган касалликларда гликемиянинг кўпайиши кўрсаткичлари**

Касаллик	Глюкозага толерантлик тести кўрсаткичлари (гликемия ошиши) (ммол/л)	p<меъёр
Целиакия, n=76	0,48±0,16	<0,001
Муковисцидоз, n=56	0,52±0,21	<0,001
Аллергик энтероколит, n=44	1,0±0,19	<0,0 01
Назорат, n=35	1,7±0,1	


Эслатма: \* – назорат гуруҳлари ўртасидаги маълумотлар ишончилиги (p<0,001).

Назорат гуруҳи билан таққосланганда Ц, МВ ва АЭли болаларда глюкозага толерантлик тести пайтида гликемиянинг ўсиши мос ҳолда 3,3, 3,2, 1,7 баравар кам бўлди. АЭ билан гликемиянинг ўсиши мос ҳолда Ц (p<0,001) ва МВ билан солиштирилганда 2,0–1,9 баравар ишончли юқори бўлди.

Фекал эластаз-1 даражаси баҳоланди. Унинг МВдаги қийматлари сезиларли даражада камайди – 193,2±75,65 ва 30 нафар (53,6%) беморда сезиларли сусайиш кузатилди, ўртача қиймат 100,72 мкг/г ни ташкил этди.

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни кўрсатдики, ошқозон ости беги функцияси бузилган ҳар бешинчи болада АЭ мавжуд, аммо МВдаги каби аниқ эмас, бу беморларда ўртача қиймат 185,3±5,8 мкг/г ни ташкил этди. АЭ бўлган гуруҳдаги ўртача қиймат – 305,6±56,4 мкг/г.

Целиакияли беморларнинг учдан бир қисмида (31,6%) ошқозон ости беги функцияларининг ўрта даражада бузилиши мавжуд, улар орасидаги ўртача қиймат – 141,6±10,2 мкг/г. Гуруҳ учун ўртача – 254,2±85,5 мкг/г.



**1-расм. Ичак девори ўтказувчанлиги индекси: \* p<0,001 – АЭ, Ц, МВ ва назорат гуруҳи, ^ p<0,001 – АЭ ва Ц, Δ p<0,001 – АЭ ва МВ, \*\* – p<0,01 – Ц ва МВ.**

Петров ва ҳаммуаллифлари усули бўйича маннитол ва лактулоза (М/Л) билан тест натижалари ҳар уч касалликда ҳам соғлом болаларнинг назорат гуруҳига ( $0,3 \pm 0,02$  опт.бир.,  $p < 0,05$ ) нисбатан ичак девори ўтказувчанлиги ошганлигини кўрсатди, бу АЭли болаларда жуда сезиларли бўлди. АЭ ( $-0,74 \pm 0,008$  опт.бир.) ва целиакия ( $-0,1 \pm 0,004$  опт.бир.) билан оғриган беморлар гуруҳларида маннитол ва лактулоза нисбати салбий қийматга эга бўлди ва бу ичак тўсиғи яхлитлиги бузилганлигини тасдиқлайди. МВда М/Л қиймати ижобий томонга ўзгарди ( $0,06 \pm 0,001$  опт.бир.), бироқ назорат гуруҳи қийматларига етиб бормади.

Ушбу тадқиқотдан олинган натижалар беморларнинг барча гуруҳларида фекал калпротектин индекслари кўпайганлигини кўрсатди. Энг муҳим кўрсаткичлар МВли беморларда бўлиб, улардан олинган кўрсаткичлар 4,4 барабар юқори бўлди ( $p < 0,001$ ).

Илк бор целиакия ташхисланган болаларда фекал калпротектин миқдори назорат гуруҳига нисбатан тахминан 1,65 барабар ортанлиги аниқланди, целиакиянинг типик ва атипик шакллари бўлган беморлар гуруҳларида фарқлар қайд этилмади. АЭли болаларда фекал калпротектин 2,7 баробар ошиши кузатилди ( $p < 0,001$ ).

2-жадвал

Болаларда мальабсорбция синдромида антимикроб пептидларнинг қийсий хусусиятлари

Кўрсаткич	Ц	МВ	АЭ	Назорат гуруҳи	Р
Фекал калпротектин, мкг/г	$35,3 \pm 8,1$ □	$87,7 \pm 18,1$ *^	$54,5 \pm 8,15$ **	$19,9 \pm 1,1$	*- $p < 0,001$ , **- $p < 0,001$ □- $p < 0,01$
Фекал β-дефензин 2, нг/мл	$99,6 \pm 15,5$ □□	$108,2 \pm 11,3$ * Δ	$67,2 \pm 12,7$	$64,3 \pm 2,4$	□□- $p < 0,02$ *- $p < 0,002$ , Δ- $p < 0,01$
Ҳужайра ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оқсилга антитаначалар, бир/мл	$35,9 \pm 10,1$ □□^	$53,06 \pm 13,08$ *Δ	$24,2 \pm 7,6$ **	$5,2 \pm 3,2$	□□- $p < 0,01$ , *- $p < 0,001$ , **- $p < 0,02$ Δ- $p < 0,05$

Эслатма: \* – назорат билан МВ, \*\* – назорат гуруҳи билан АЭ, □ – Ц ва МВ, □□ – назорат билан Ц, Δ – МВ ва АЭ ўртасидаги ишонччилик.

МВ билан оғриган беморларда β-дефензин 2 концентрацияси  $108,2 \pm 11,3$  нг/мл ни ташкил этди, бу соғлом болаларга нисбатан 1,7 барабар юқори ( $64,0 \pm 2,4$  нг/мл) ( $p < 0,001$ ). Целиакияли беморларда β-дефензин 2 даражасининг 1,5 баробар ортиши кузатилди ( $p < 0,05$ ). АЭли болаларда копрофильтратлар таркибидаги β-дефензин 2 кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин бўлди. Бу, эҳтимол, АЭда касалликнинг қисқа давом этиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, сезиларли морфологик ва функционал бузилишларга олиб келмайди. Шунингдек, МВ билан оғриган болаларда копрофильтратлар таркибидаги β-дефензин 2 нинг сезиларли ошиши ичак эпителиал қатламининг қатор ҳужайрали тузилмалари

фаоллашиши билан изоҳланади.

Хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилларга антитаналар даражаси таҳлил қилинганда ушбу кўрсаткич МВда ўн барабар, целиакияда етти барабар ва АЭда тўрт барабар ортиши аниқланди ( $p < 0,001$ ). Бу маълумотлар нафақат муковисцидозли, балки целиакияли беморларда ҳам грамманфий флора мавжудлигини тахмин қилиш учун асос бўла олади ва бу уларда узок муддатли ичак контаминацияси терапиясини қўллаш имконини беради.

Мальабсорбция синдроми бўлган болаларда ЎНО –  $\alpha$  фаоллигини ўлчаш натижалари МВ билан оғриган беморларда унинг қийматлари ошганлигини кўрсатди ва бу меъёрда  $4,28 \pm 0,7$  пг/мл бўлгани ҳолда  $6,9 \pm 2,3$  пг/млни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Целиакия ва АЭ билан оғриган беморлар гуруҳидан олинган қийматлар соғлом болаларникига яқинлашди. Шунингдек, кузатилган беморларнинг барча гуруҳларида  $\text{IL} - 1\beta$  нинг сезиларли ўсиши кузатилди, энг юқори кўрсаткичлар МВли беморларда аниқланди ва бу назорат гуруҳи қийматларидан 5 барабар кўп. Бу кўрсаткич целиакия ва АЭ билан оғриган беморлар кўрсаткичлари билан таққосланганда ишончли жуда юқори ( $p < 0,001$ ).

Целиакияда ўзаро корреляцион боғлиқликлар мальабсорбция индекси ва оғирлик ҳолати ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжудлигини кўрсатди ( $r=0,6$ ). ЎНО –  $\alpha$  ( $r=0,49$ ),  $\text{IL} - 1\beta$  ( $r=0,55$ ) ва хужайра ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар ( $r=0,35$ ) ўртасида ижобий корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. Яллиғланиш олди цитокинлари ( $\text{IL} - 1\beta$  ва ЎНО –  $\alpha$ ) ва фекал калпротектин даражалари ўртасида кучли ижобий алоқа қайд этилди – мос ҳолда  $r=0,78$  ва  $r=0,77$ . Фекал  $\beta$ -дефензин 2 ва фекал калпротектин ( $r=0,69$ ) қийматлари ўртасидаги бевосита корелляцияцион боғлиқлик эътибор лойиқ ( $p < 0,05$ ).

МВ билан оғриган беморларда ҳолатнинг оғирлик даражаси ва яққол вазн етишмовчилиги ўртасида тесқари алоқа аниқланди ( $r=-0,52$ ). Тадқиқотдан олинган натижалар МВда фекал  $\beta$ -дефензин 2 ва периферик қон таҳлилида сегментядроли лейкоцитлар микдорининг ортиши ( $r=0,31$ ), нажасда лейкоцитларнинг кўпайиши ( $r=0,34$ ), фекал калпротектин билан тўғридан-тўғри ўртача алоқа мавжудлиги ( $r=0,57$ ) аниқланди, бу нейтрофиллар фаоллашганлигидан далолат беради ва ичаклардаги яллиғланишни ифодаловчи белги ҳисобланади. Шунингдек, хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар даражаси ва ЎНО –  $\alpha$  яллиғланиш олди цитокинлари ( $r=0,3$ ) ўртасида ҳам ижобий заиф алоқа кузатилди ( $p < 0,05$ ).

АЭда ўзаро корреляцион алоқалар таҳлили фекал  $\beta$ -дефензин 2 ва фекал калпротектин ( $r=0,51$ ) параметрлари ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион алоқа ҳамда ЎНО –  $\alpha$  яллиғланиш олди цитокинлари ва хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар ўртасида ўртача корреляцион алоқа мавжудлигини кўрсатди ( $r=0,31$ ),  $\text{IL} - 1\beta$  эса сегментядроли лейкоцитлар билан корреляцияланди ( $r=0,3$ ) ( $p < 0,05$ ).

Тадқиқотни амалга ошириш давомида беморларнинг клиник ва лаборатор маълумотлари асосида мальабсорбция синдромининг турли кўринишлари: АЭ, МВ, Ц бўлган болаларда касалликнинг оғирлик даражаси ва прогнозни баҳолаш



имконини берувчи математик модел ишлаб чиқилди.

Ҳисоб-китоблар натижасида қуйидаги кўринишдаги моделлар олинди:

**Целиакиянинг оғирлик даражасини (ОД) баҳолаш учун:**

$$\text{ОД} = 0,7633 - 0,0682 * x(8) + 0,0006 * x(24) + 0,0037 * x(32) + 0,001 * x(33) + 0,0452 * y(1) - 0,1092 * y(4) - 0,1466 * y(5) - 0,2338 * y(6) \quad (1)$$

Бу ерда:

$x(8)$  – эозинофил, %

$x(24)$  – фекал калпротектин, мкг/г

$x(32)$  – фекал дефензин, нг/мл

$x(33)$  – хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар, бир/мл

$y(1)$  – ахлат тезлиги, маҳал

$y(4)$  – ВБИ

$y(5)$  – ўсиш етишмовчилиги

$y(6)$  – вазн етишмовчилиги

**МВнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун:**

$$\text{ОД} = 0,3809 + 0,000028 * x(3) + 0,0529 * x(17) + 0,0016 * x(24) - 0,1944 * y(4) - 0,1072 * y(6) + 0,2139 * y(21) + 0,0016 * x(33) \quad (2)$$

Бу ерда:

$x(3)$  – вазн, грамм

$x(17)$  – мальабсорбция индекси, балл

$x(24)$  – фекал калпротектин, мкг/г

$y(4)$  – ВБИ

$y(6)$  – вазн етишмовчилиги

$y(21)$  – стеаторея

$x(33)$  – хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар, бир/мл

**АЭнинг оғирлик даражасини баҳолаш учун:**

$$\text{ОД} = -0,1303 + 0,0729 * x(17) + 0,001 * x(24) - 0,9415 * x(26) + 0,0032 * x(32) - 0,0036 * x(33) + 0,047 * x(36) - 0,232 * y(4) \quad (3)$$

Бу ерда:

$x(17)$  – мальабсорбция индекси, балл

$x(24)$  – фекал калпротектин, мкг/г

$x(26)$  – ичак девори ўтказувчанлиги кўрсаткичи, опт.бир

$x(32)$  – фекал дефензин, нг/мл

$x(33)$  – хужайралар ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар, бир/мл

$x(36)$  – COMISS, баллар

$y(4)$  – ВБИ

Бунда ОД қийматлари учун қуйидаги градациялар мос келади:

0 – меъёр

1 – касалликнинг енгил даражаси

2 – ўрта-оғир даражаси

3 – оғир даражаси

**Ҳал қилувчи қоида:** агар  $PR < 0,5$  бўлса, у ҳолда ижобий натижа, акс ҳолда – нохуш натижа (4).

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, целиакияда ҳам, муковисцидозда ҳам беморлар ҳолатининг оғирлик даражаси ва нейтрофиллар фаоллашишини кўрсатувчи микробларга қарши пептидлар (фекал калпротектин) қийматлари ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу бир томондан хайратланарли, чунки целиакия касаллигида ҳам, муковисцидозда ҳам ошқозон-ичак трактининг юқори қисмларигина шикастланади. Олинган маълумотлар беморлар реабилитацияси режасини қайта кўриб чиқиш учун асос бўла олади, бу, айниқса, касалликнинг нохуш башорати бўлган муковисцидоз ҳамда ушбу касалликда ўпкалар шикастланишининг юқори фоизи, антибактериал терапиянинг тез-тез қўлланишида муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Болаларда мальабсорбция синдромини даволашнинг дифференциал усулларини асослаш ва самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобда мальабсорбция синдроми бўлган болаларда L-глутамин ва оғиз сути билан коррекциялашнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ҳар бир нозологияда беморлар асосий ва модификацияланган терапияни олган иккита кичик гуруҳга бўлинган.

Целиакияли беморлар гуруҳида 22 нафар бола модификацияланган терапия (базис+L-глутамин ва оғиз сути), 16 нафар бемор фақат базис терапия қабул қилди. Иккала гуруҳ ҳам ёш, касалликнинг оғирлик даражасига кўра бир хил. Самарадорлик мезонлари бўшлиқ ва девор олди ҳазм қилиш ҳолати, сўрилиш, ўтказувчанлик, антимикроб пептидлар даражаси, яллиғланиш олди цитокинлари, ҳужайра ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналарни баҳолаш каби клиник ва лаборатор маълумотлар асосида баҳоланди.

Модификацияланган терапия фонида ичак диспепсиясининг белгилари яхшиланди: қорин дам бўлиши ( $p < 0,001$ ), ғулдираши ( $p < 0,02$ ) ва полифекалиянинг камайиши ( $p < 0,002$ ). Асосий терапия фонида ахлатнинг такрорий бузилишлари деярли ҳар учинчи беморда кузатилди – 7 нафар (43,75%), иккинчи гуруҳда бу аломат 3,2 баробар камроқ бўлди – 3 нафар (13,6%,  $p < 0,05$ ). Модификацияланган терапия қабул қилган болалар гуруҳида ВБИ<3СЧ биронта ҳолатда ҳам қайд этилмади. <4 СЧ ва <3 СЧ танқислиги бўлган болаларнинг кўпчилиги <2 СЧ гуруҳига ўтказилди. Шунингдек, базис терапиядаги болалар гуруҳидаги ОЭЕ – 2СЧ 7 нафар (43,75%) болада сақланиб қолди. Иккинчи гуруҳда ОЭЕ частотаси – 2СЧга ишончли 3,3 баробар камайди. Биринчи гуруҳ беморлари билан таққосланганда ушбу гуруҳдаги болаларнинг катта қисмида енгил даражали ОЭЕ бор эди. Шифохонага келиб тушганда бўйнинг калталиги 44 нафар (57,9%) болада қайд этилди. Модификацияланган терапия фонида болаларнинг бўйи ўртача  $2,8 \pm 0,3$  см ўсди, ушбу кўрсаткич биринчи гуруҳда атиги  $0,8 \pm 0,02$  см ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ).

Базис терапия таъсирида деярли текис гликемик эгрилик кузатилди, модификацияланган терапия қўлланилганидан кейин овқат ҳазм қилиш ва сўрилиш жараёнларида сезиларли яхшиланиш қайд этилди ( $p < 0,001$ ) (3-жадвал).

## 3-жадвал

**Асосий ва модификацияланган терапия фонида целиакияли болаларда гликемиянинг ошиши ва ичак тўсиғи ўтказувчанлиги ҳолатининг қиёсий таҳлили**

Кўрсаткичлар	Даволашдан олдин	Асосий терапия	Модификацияланган терапия	Соғлом болалар	P
Глюкозага толерантлик тести, ммол/л	0,48±0,16	0,5±0,03	0,8±0,03	1,7±0,1	*-p<0,001 **-p<0,001 ***-p<0,001 ^-p<0,02
Ичак девори ўтказувчанлиги, опт. бир	-0,1±0,04	0,05±0,01	0,25±0,05	0,3±0,02	*-p<0,001 ^-p<0,02 ^^-p<0,02 ***-p<0,02

Эслатма: \* – асосий ва модификацияланган терапия, \*\* – модификацияланган терапия ва назорат, \*\*\* – асосий терапия ва назорат, ^ – даволашдан олдинги ҳолат ва модификацияланган терапия, ^^ – даволаш ва назоратдан олдинги ҳолат, ^^ – даволашдан олдинги ҳолат ва асосий терапия ўртасидаги ишончлик.

Целиакияли болаларда базис терапия фонида ичак тўсиғининг ўтказувчанлиги кўрсаткичи 0,05±0,01 опт.бир ташкил этди, модификацияланган терапия қабул қилган болаларда бу параметрнинг меъерий қийматларга нисбатан яққол, ишончли силжиши кузатилди (p<0,001).

Целиакияли болаларда копрофильтратларда β-дефензин 2 таркибини аниқлашда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: касалхонага ётқизилганида – 99,6±11,3 нг/мл, базис терапиядан кейин бу кўрсаткич 1,2 баробар камайди ва 81,5±5,5 нг/мл ни ташкил этди, бу соғлом болалар копрофильтратларидаги β-дефензин 2 таркиби (64,±2,4 нг/мл)дан 1,3 баробар юқори бўлди (p<0,01). Модификацияланган даво фонида копрофильтратлардаги β-дефензин 2 миқдори базис терапия олган болаларга нисбатан ишончли пасайганлиги қайд этилди – 66,4±3,9 (p<0,02) ва бу назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқин бўлди (4-жадвал).

## 4-жадвал

**Асосий ва модификацияланган терапия фонида целиакияли болаларда АМП, яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Даволашдан олдин	Асосий терапия	Модификацияланган терапия	Соғлом болалар	P
Фекал калпротектин, мкг/г	35,3±8,1	26,2±4,7	24,8±3,8	19,95±1,1	–
Фекал β-дефензин 2, нг/мл	99,6±15,5	81,5±5,5	66,4±3,9	64,3±2,4	*-p<0,02 ***-p<0,01 ^-p<0,02 ^^-p<0,02
Ҳужайра ўтказувчанлигини оширадиган бактерицид оксидига антитаначалар, бир/мл	35,9±10,1	20,9±8,1	9,7±6,2	5,2±3,2	***-p<0,05 ^-p<0,02 ^^-p<0,01

ЎНО- $\alpha$ , пг/мл	1,8 $\pm$ 0,8	2,8 $\pm$ 0,8	2,7 $\pm$ 0,8	4,28 $\pm$ 0,67	–
IL 1 $\beta$ , пг/мл	4,9 $\pm$ 1,1	4,9 $\pm$ 1,1	2,9 $\pm$ 0,8	2,05 $\pm$ 0,03	***-p<0,01

Эслатма: \* – асосий ва модификацияланган терапия, \*\* – модификацияланган терапия ва назорат, \*\*\* – асосий терапия ва назорат, ^ – даволашдан олдинги ҳолат ва модификацияланган терапия, ^^ – даволаш ва назоратдан олдинги ҳолат, ^^ – даволашдан олдинги ҳолат ва асосий терапия ўртасидаги ишончлилиқ.

Базис терапия фонида ҳужайра ўтказувчанлигини оширувчи бактерицид оксилга антитаналар (20,9 $\pm$ 8,1 бир/мл) 1,7 баравар камайди (35,9 $\pm$ 8,9 бир/мл), бироқ меъёрдан тўрт баравар юқорилиги сақланиб қолди. Модификацияланган терапияда самарадорлик жуда яққол бўлди – 9,7 $\pm$ 6,2 бир/мл (p<0,05).

Базис ва модификацияланган терапиядан сўнг целиакияли болаларда ЎНО –  $\alpha$  фаоллигини ўлчаш натижалари унинг қийматлари мос ҳолда 2,8 $\pm$ 0,8 пг/мл ва 2,7 $\pm$ 0,8 пг/мл га пасайганлигини кўрсатди, меъёрда ушбу кўрсаткич 4,3 $\pm$ 0,7 пг/мл. Шунингдек, целиакияли болаларда IL – 1 $\beta$  нинг ўсиши кузатилди, базис терапия фонида ушбу кўрсаткич модификацияланган терапия қабул қилган беморларнинг натижалари билан таққосланганда ишончли юқори бўлди – мос ҳолда 4,9 $\pm$ 1,1 пг/мл ва 2,9 $\pm$ 0,8 пг/мл.

Шундай қилиб, беморларни таклиф этилган модификацияланган усулда даволаш асосий касалликнинг клиник кечиши, унга боғлиқ бўлган ҳолатлар ва асоратларга ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаш учун барча асослар етарли.

МВ билан касалхонага ётқизилган пайтда ёпишқоқ балғам ажралиши билан йўтал қайд этилган 51 нафар (91,0%) боланинг ҳар тўртинчисида базис терапиядан кейин йўтал сақланиб қолди – 5 нафар (27,7%, p<0,002). Модификацияланган терапия фонида биз томонимиздан ёпишқоқ балғамли йўтал бўлган беморлар сонининг олти баробар камайганлиги қайд этилди – 3 нафар (13,6%, p<0,001).

Базис терапия фонида ОЭЕ (–4СЧ) биронта ҳолатда ҳам учрамади, айти пайтда (–3СЧ) ҳар бешинчи болада сақланиб қолди – 4 нафар (22,2%), ўрта даражадаги ОЭЕ – беморларнинг ярмида кузатилди. Модификацияланган терапия фонида ОЭЕ бўлган беморлар сони –2СЧ (27,7%) ва –1СЧ (59,1%) туфайли ошди, –3СЧ ва –4СЧ биронта ҳолатда ҳам кузатилмади.

Базис терапия фонида метеоризм 5 нафар (27,8%, p<0,05) болада кузатилди. Модификацияланган терапия олган болаларда метеоризм 2 баробар камроқ учради – 13,6% (p<0,01). Базис терапия фонида 2 нафар (11,1%) беморда вақти-вақти билан қусиш сақланиб қолди, модификацияланган терапиядан сўнг қусиш 8,5 баробар камайди ва фақат 1 нафар болада кузатилди. Қабул пайтида кучли терлаш, ёғли ахлат ва стеаторея МВ билан оғриган ҳар бир бола учун хос эди. Базис терапиядан сўнг ҳар тўртинчи беморда (5 нафар, 27,8%; p<0,001) шлакли ёғли ахлат кузатилган бўлса, иккинчи гуруҳдаги болаларда ушбу кўрсаткич даволанишдан олдинги ҳолатга нисбатан 7,3 баравар ишончли камайди (13,6%, p<0,001). Биринчи гуруҳдаги болаларнинг 3 нафарида полифекалия қайд этилган бўлса (қабул қилишдан олдинги ҳолатга нисбатан 16,7%, p<0,02), иккинчи гуруҳда ушбу кўрсаткич 3,7 баробар кам бўлди (p<0,002).

Тадқиқотдан олинган маълумотлардан кўриш мумкинки, МВда ГТТ тести ўтказилганда гликемия сусайганлиги кузатилди. Базис терапия таъсирида деярли текис гликемик эгрилик қайд этилди ва модификацияланган терапиядан сўнг овқат хазм қилиш ва сўрилиш жараёнларида сезиларли 1,6 баравар яхшиланиш кузатилди ( $p < 0,001$ ). Назорат гуруҳи билан таққосланганда, глюкозага толерантлик ва лактозага толерантлик тестини ўтказишда болаларда гликемиянинг ўсиши барибир пастлигича қолди.

МВли болаларда асосий ва модификацияланган терапия фонида ичак тўсиғининг ўтказувчанлиги ҳолати қиёсий таҳлил қилинди (5-жадвал).

5-жадвал

Асосий ва модификацияланган терапия фонида муковисцидозли болаларда гликемиянинг ошиши ва ичак тўсиғи ўтказувчанлиги ҳолатининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Даволашдан олдин	Асосий терапия	Модификацияланган терапия	Соғлом болалар	P
Глюкозага толерантлик тести, ммол/л	0,52±0,21	0,6±0,04	0,8±0,05	1,64±0,2	^ $-p < 0,02$ ^^ $-p < 0,001$ * $-p < 0,001$ *** $-p < 0,001$ ** $-p < 0,001$
